

Оғиз бўшлиғи шиллиқ пардаси, юз ва бўйин соҳалари юмшоқ тўқималарининг хавфсиз ўсма ва ўスマсимон ҳосилалари

Абдишукрова Барчиной Гулбой қизи.

Тошкент Давлат Стоматология институти Стоматология факултети
4-курс талабаси

barchinoyabdishukurova@gmail.com

Аннотация. Ушбу мақолада оғиз бўшлиғи шиллиқ пардаси, юз ва бўйин соҳалари юмшоқ тўқималарининг хавфсиз ўсма ва ўスマсимон ҳосилалари ҳақида ёзилган. Болаларда ММСДУ маълумотларига кўра, оғиз бўшлиғи ўсмалари жарроҳлик усулида даволанишга муҳтож барча bemorlarlarning 4,9%ини ташкил қиласиди. Ўсмаларнинг 62,6%и ўスマсимон ҳосилалардан иборат. Қиз болаларда улар нисбатан қўпроқ (57,3%) учрайди.

Калит сўзлар: стоматолог, реабилитация, ташҳис, стационар, диспансер.

Ўсмалар билан мурожаат қилгандарнинг аксарияти бир ойдан бир ёшгача бўлган болалардир. Чақалоқларда ўсмаларнинг кўп учраши дизонтогенетик жараён билан боғлиқ бўлиб, уларнинг сони 3 ёшгача бўлган болаларда кескин камайиб, 12–16 ёшлиларда яна ортади. Ёши катталаша борган сайин ўсмаларнинг кўп учраши болалар травматизмининг ўсиши, улғаяётган организмда гормонал фаолликнинг кучайиши билан боғлиқ.

Оғиз бўшлиғи ўсмаларнинг 18,6%, ўスマсимон ҳосилалар 81,4 % ни ташкил қиласиди. Уларнинг баъзилари эпителиал (яssi, безлар, тиш ҳосил қилувчи) тўқималардан дизэмбриоплазия натижасида (дермоид, эпидермоид, ретенцион кисталар ва ҳ.к.), бошқалари эса (папилломалар, невуслар, катта ва кичик сўлак безлари) вируслар туфайли юзага келади.

Эпителиал ўсмалар постнатал даврда пайдо бўлиб, қиз болаларда 2– 2,5 марта қўпроқ учрайди. Улар, одатда тил соҳасида, камроқ – юқори ва пастки лаблар ва танглайдада; камдан-кам ҳолларда – оғиз бурчаги, лунж, тил ости соҳаси шиллиқ пардасида жойлашади. Аста-секин ўсиб, катталашиб боради.

Папиллома – кўп қатламли эпителийдан ривожланган сўрғичсимон ҳосила. Одатда, шиллиқ пардада секин, сезилмас даражада, усувчи ўсма мавжудлигига ота–оналар *шикоятлар* қиласидар.

Клиник манзараси: юзаси думалоқ ёки овал шаклида бўртиб турувчи якка ёки кўп сонли кенг асосда жойлашган сўрғичсимон усимта. Юзаси текис, ялтироқ, атрофдаги шиллиқ парда қаби оч-пушти рангда. Вақт ўтиши билан

юзасидаги эпителиал қатlam оқиши тус олади ва устки қисми дағаллашиб, нотекис (ғадир-бұдур) ҳолатта келади.

Сурункали жароҳатланишлар натижасида папилломанинг ранги түқ-қизил, қўқимтири-қизил тус олади ва ёрилиб яралар ҳосил қиласди.

Даволаш: асосида митотик активлигини эътиборга олиб папиллома остидаги тўқима билан кесиб олинади.

Папилломатоз – кўп сонли бир – бирига туташиб кетган папилломалар тўплами.

Оғизда кўп сонли ўсимталар мафжудлигига шикоятлар қилинади.

Клиник манзараси: кенг асосида жойлашган, думалоқ ёки овал шаклда, кўп сонли тошмалар кўринишидаги ҳосилалар аниқланади. Одатда, 7–12 ёшдаги болаларда учрайди. Реактив ва неопластик шакллари фарқланади. Реактив папилломатоз оғиз шиллиқ пардасида кўп сонли сўрғичсизон ўсимталар билан намоён бўлиб, уларни келтириб чиқарган (механик, термик, кимёвий, микробли) омиллар бартараф қилинганидан сўнг, ўсиш кузатилмайди. Папилломалар одатда юқори ва пастки лаблар, тил, альвеоляр ўсиқ устидаги шиллиқ пардада жойлашади. Пайпасланганда улар бир оз қаттиқ, оғриқсиз диаметри 0,2 – 2 см гача бўлиб, ўғил ва қиз болаларда баравар учрайди.

Даволаш усули папилломанинг келиб чиқиш сабабига боғлиқдир. Неопластик папилломалар – жарроҳлик усулида кесиб олинади ёки – лазер ҳамда электркоагуляция ёрдамида куйдирилади, шунингдек, босқичма-босқич криоапликатор воситасида деструкция қилинади. Бошқа вазиятларда эса сабабчи бўлган омил бартараф этилади. Оғиз шиллиқ пардаси невуслари ёки пигментли ўсмалари, болаларда камдан-кам учрайди. Уларни ташки кўриниши – ҳажми зичлиги, юзаси туклар билан қопланганлиги ёки қандай қон томирлар билан таъминланганлигига кўра ташхислаш мумкин.

Невусларда ўсишнинг тезлашиши, яллигланиш ва яра ҳосил бўлиши, рангининг ўзгариши, қичишиш оғриқ пайдо бўлиши уларнинг, хавфли ўсмага ўтганлиги (малигнизацияси) дан далолат беради.

Даволаш: Соғлом тўқималар чегарасидан кесиб олиш.

Тиш ҳосил қилувчи эпителий ўсмасига Серра безининг ўсмасимон ҳосиласи киради. Серра бези дизонтогенетик келиб чиқишга мансуб бўлиб, бир ёшгача бўлган чақалоқларда учрайди.

Ота–оналар боланинг юқори ва пастки жағлари альвеоляр ўсиқ шиллиқ пардасида майда тошмалар борлигига шикоят қиласидилар.

Клиник манзараси: ўзгармаган шиллик парда юзасида майда – 1 мм дан 4-5 мм гача бўлган, ярим шар шаклида бўртиб чиқсан, пайпаслаганда зич, оғриқсиз, якка ёки бир нечта ёнма-ён жойлашган ҳосилалар аниқланади. Одатда, улар беморни безовта қилмайдилар.

Бундай ўсмасимон ҳосилалар даволаига эхтиёж йўқ, у ўз-ўзидан вақт ўтиши билан йўқ бўлиб кетади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Копейкин В.Н., Миргазизов М.З. Ортопедическая стоматология: Учебник. — Изд. 2-е доп. — М.: Медицина, 2001.
2. Копейкин В.Н., Миргазизов М.З., Малый А.Ю. Ошибки в ортопедической стоматологии: Профессиональные и медикоправовые аспекты. — М., 2002.
3. Курляндский В.Ю. Керамические и цельнолитые несъемные зубные протезы. — М., 1978.
4. Курляндский В.Ю. Ортопедическая стоматология: Учебник. — М.: Медицина, 1977.
5. Леманн К.М., Хельвиг Э. Основы терапевтической и ортопедической стоматологии: Пер. с нем. — Львов: Гал Дент, 1999.
6. Малый А.Ю. Влияние металлокерамических протезов на кровообращение в краевом пародонте: Дис.канд.мед.наук. — М., 1989.
7. Малый А.Ю. Меди ко-правовое обоснование врачебных стандартов оказания медицинской помощи в клинике ортопедической стоматологии: Дис... д-ра мед. наук. — М., 2001.